

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат архитектура ва қурилиш  
қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари

\_\_\_\_\_ **А.Р.Тохтаев**

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2016 й.

**«КЕЛИШИЛДИ»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазири

\_\_\_\_\_ **М.М.Икромов**

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2016 й.

**«КЕЛИШИЛДИ»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларни  
ривожлантириш вазири

\_\_\_\_\_ **Х.М.Мирзахидов**

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2016 й.

**«КЕЛИШИЛДИ»**  
Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси

\_\_\_\_\_ **А.Э.Шайхов**

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2016 й.

**Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари фақат давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали кўрсатиладиган  
ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ПАСПОРТИ**

1	Давлат хизматининг номи	<b>Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш.</b>
2	Давлат хизмати кўрсатадиган давлат органи ва бошқа ташкилотнинг номи (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади)	<b>Тўлиқ номи:</b> Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоят ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси. <b>Қисқартирилган номи:</b> Қорақалпоғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси, вилоят ва Тошкент шаҳар АҚББ.
3	Давлат хизматидан фойдаланувчилар	<input checked="" type="checkbox"/> юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари; <input checked="" type="checkbox"/> жисмоний шахслар – юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектлари.
4	Давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда қатнашадиган ва/ёки давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларга эга бўлган органлар ва ташкилотларнинг муфассал рўйхати	<b>Давлат хизмати кўрсатиш жараёнида қуйидагилар қатнашадилар:</b> 1) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри давлат корхонаси; 2) учинчи шахслар - бино ва иншоотни ўрганиш жараёнида; 3) бино ва иншоот жойлашган ҳудуднинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (мавжуд бўлганда); 4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг адлия органлари; 5) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги туман ва шаҳарларнинг ҳокимликлари ҳамда Тошкент шаҳридаги туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари. <b>Изоҳ:</b> ваколатли орган кўрсатилган органлар ва ташкилотлар билан аризачини жалб этмасдан мустақил равишда ўзаро ҳамкорлик қилади.

5	<p>Давлат хизмати олиш учун аризачи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг муфассал рўйхати ва сони</p>	<p><b>Аризачи давлат хизмати олиш учун қуйидагиларни тақдим этади:</b></p> <p><b>а) янги келишишда:</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш тўғрисида ариза;  <input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p>2) Ушбу Паспортнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ўлчами 30x40 сантиметрдан кам бўлмаган қоғозда ёки электрон шаклда акс эттирилган бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси.  <input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>а) бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини келишишни қайта расмийлаштиришда:</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишишни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза;  <input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p>2) Ушбу Паспортнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси – <i>олдин келишилган</i>;  <input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>а) бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳасини дубликатини беришда (йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда):</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳасини дубликатини бериш тўғрисида ариза;  <input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p>2) Ушбу Паспортнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан бино ва иншоот фасадининг келишиб берган эскиз лойиҳаси – <i>бино ва иншоот фасадининг олдин келишилган эскиз лойиҳаси яроқсиз ҳолга келган тақдирда</i>;  <input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>Изоҳ:</b> <i>Бино ва иншоот фасадининг олдин келишилган эскиз лойиҳаси йўқолган тақдирда унинг дубликатини бериш учун ариза беришда фақат ушбу паспортнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ келишилган бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини дубликатини бериш тўғрисидаги ариза бериллади.</i></p>
6	<p>Давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган, ваколатли орган томонидан аризачининг иштирокисиз мустақил равишда олинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг батафсил рўйхати ва сони</p>	<p><b>Ваколатли орган давлат хизмати кўрсатиш учун қуйидагиларни мустақил равишда олади:</b></p> <p><b>а) янги келишишда:</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 5-иловасидаги шаклга мувофиқ юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - <i>юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари учун (зарурат бўлганда)</i>;  <input checked="" type="checkbox"/> нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>2) Ушбу Паспортнинг 6, 7, 8-иловалардаги шаклларга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома – <i>жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари учун (зарурат бўлганда)</i>;  <input checked="" type="checkbox"/> нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>3) Ушбу Паспортнинг 9-иловасидаги шаклга мувофиқ бино ва иншоот деворларининг режаси (плани), кесими (мавжуд бўлганда) ва фасади;  <input checked="" type="checkbox"/> нусха: 1 (бир нусха).</p> <p>4) Ушбу Паспортнинг 10-иловасидаги шаклга мувофиқ бино ва иншоотнинг кадастр паспорти;  <input checked="" type="checkbox"/> нусха: 1 (бир нусха).</p>

		<p>5) Ушбу Паспортнинг 11-иловасидаги шаклга мувофиқ бино ва иншоотнинг ўрганиш далолатномаси;</p> <p><input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>а) бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини келишишни қайта расмийлаштиришда:</b></p> <p>1) Юридик шахсни қайта ташкил этилганлигини, унинг номи ва манзили (почта манзили) ўзгарганлигини тасдиқловчи рўйхатдан ўтказиш органнинг хати - <i>юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг қайта ташкил этилган, унинг номи ва манзили (почта манзили) ўзгарган ҳолатда (зарурат бўлганда);</i></p> <p><input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>Изоҳ:</b> ваколатли орган кўрсатилган ҳужжатларни ва маълумотларни аризачини жалб этмасдан мустақил равишда ушбу Паспортнинг 4-бандида кўрсатилган органлар ва ташиқлотлардан олади.</p>
7	Давлат хизмати кўрсатиш шакли	<p><b>Давлат хизмати кўрсатишда АКТни қўллаш:</b></p> <p><input checked="" type="checkbox"/> Давлат хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни Интернет орқали олиш.</p> <p>Интернет тармоғидаги манзил: <a href="http://trs.uz/category/нормативные-документы">http://trs.uz/category/нормативные-документы</a>;</p> <p><input checked="" type="checkbox"/> зарур ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини Интернет орқали олиш.</p> <p>Интернет тармоғидаги манзил: <a href="http://trs.uz/category/нормативные-документы">http://trs.uz/category/нормативные-документы</a>;</p>
8	Давлат хизматининг қиймати ва уни тўлаш тартиби	<p><b>Давлат хизмати кўрсатиш учун:</b></p> <p><input checked="" type="checkbox"/> тўлов ундирилмайди.</p>
9	Давлат хизмати кўрсатиш муддати	<p><b>Давлат хизматлари кўрсатишнинг чекланган муддатлари:</b></p> <p>а) <b>6 (олти) кун</b> – янгидан берилган аризани ва қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган аризани кўриб чиқишда;</p> <p>б) <b>3 (уч) кун</b> – давлат хизматлари кўрсатиш бўйича илгари берилган рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин тақдим этилган такрорий аризани кўриб чиқишда;</p> <p>в) <b>3 (уч) кун</b> – келишилган бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини дубликатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси “ягона дарча” маркази орқали олинган ҳолатда “ягона дарча” маркази томонидан ваколатли орган тақдим этган эскизнинг электрон вариантдан нусха олинади ва унга “ягона дарча” марказининг муҳри босилган ҳолда дубликат сифатида аризачига ҳозир бўлиш тартибида берилади (бевосита “ягона дарча” марказига келиб мурожаат этилган вақтда).</p>
10	Давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича бериладиган ҳужжатлар номи	<p><b>Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича аризачига қуйидагилар берилади:</b></p> <p><b>а) ижобий ҳал этилганда:</b></p> <p><b>I) Янги берилган аризани кўриб чиқиш ҳолатида:</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси;</p> <p><input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>II) Бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини келишишни қайта расмийлаштиришда:</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси– <i>олдин берилгани;</i></p> <p><input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>III) Бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз</b></p>

		<p><b>лойиҳасини дубликатини беришда (йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда):</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси – <i>чапдаги юқори бурчакда “ДУБЛИКАТ” штампи урилган ҳолатда.</i></p> <p><input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>б) давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда:</b></p> <p>1) Ушбу Паспортнинг 12-иловасидаги шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини келишишга асосланган тарзда рад жавоби бериш;</p> <p><input checked="" type="checkbox"/> асл нусхаси: 1 (бир нусха).</p> <p><b>Изоҳ:</b> <i>Бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси “ягона дарча” маркази орқали олинган ҳолатда “ягона дарча” маркази томонидан ваколатли орган тақдим этган эскизнинг электрон вариантдан нусха олинади ва унга “ягона дарча” марказининг муҳри босилган ҳолда дубликат сифатида аризаچига ҳозир бўлиш тартибида берилади (аризачи бевосита “ягона дарча” марказига келиб мурожаат этган вақтнинг ўзид).</i></p> <p><i>Бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳаси бевосита ваколатли орган томонидан берилган ҳолатда “ягона дарча” маркази бино ва иншоот фасадининг келишилган эскиз лойиҳасини ваколатли органдан олиб, аризаچига топширади.</i></p> <p><i>Ариза олингандан сўнг аризаچига кўйидаги ҳужжатлардан биттаси берилади:</i></p> <p>1) <i>Ушбу Паспортнинг 13-иловасидаги шаклга мувофиқ ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами кўрсатилган ҳолда ариза қабул қилинганлиги ҳақида тилхат;</i></p> <p>2) <i>Ушбу Паспортнинг 1, 3, 4-иловалардаги шакллarga мувофиқ ариза қабул қилинганлиги ҳақида белги ва ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами кўрсатилган ҳолда аризаининг нусхаси.</i></p>								
11	Давлат хизмати регламенти	<p><b>Давлат хизмати кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:</b></p> <table border="1" data-bbox="630 1301 1433 1592"> <thead> <tr> <th>Т/р</th> <th>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи</th> <th>Санаси</th> <th>Рақами</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш тартиби тўғрисида Низом”.</td> <td>09.03. 2016 й.</td> <td>№ 70</td> </tr> </tbody> </table>	Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Санаси	Рақами	1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш тартиби тўғрисида Низом”.	09.03. 2016 й.	№ 70
Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Санаси	Рақами							
1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш тартиби тўғрисида Низом”.	09.03. 2016 й.	№ 70							
12	Ваколатли органнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисида аризаچининг мурожаатларини (таклифларини), шикоятларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори ёки бошқа органнинг номи	<p><b>Аризаچининг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори ёки бошқа орган:</b></p> <table border="1" data-bbox="630 1711 1433 1957"> <thead> <tr> <th>Т/р</th> <th>Номи</th> <th>Боғланиш телефони</th> <th>Жойлашган жойи (почта, электрон манзили)</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси</td> <td>(+99871) 244-39-33</td> <td>100011, Тошкент ш., Абай кўча, №6. <a href="mailto:info@davarx.uz">info@davarx.uz</a> <a href="http://davarx.uz/ru/">http://davarx.uz/ru/</a></td> </tr> </tbody> </table>	Т/р	Номи	Боғланиш телефони	Жойлашган жойи (почта, электрон манзили)	1	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси	(+99871) 244-39-33	100011, Тошкент ш., Абай кўча, №6. <a href="mailto:info@davarx.uz">info@davarx.uz</a> <a href="http://davarx.uz/ru/">http://davarx.uz/ru/</a>
Т/р	Номи	Боғланиш телефони	Жойлашган жойи (почта, электрон манзили)							
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси	(+99871) 244-39-33	100011, Тошкент ш., Абай кўча, №6. <a href="mailto:info@davarx.uz">info@davarx.uz</a> <a href="http://davarx.uz/ru/">http://davarx.uz/ru/</a>							